

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонунчиликдаги янгиликлар

Парламент хабарлари**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИДА****21 июнь кун**и Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳаси фуқароларнинг турли тоифалари меҳнатига бажариладиган ишнинг хусусиятига қараб ҳақ тўлашни такомиллаштириш, амалдаги қонунларнинг айрим нормаларини қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат, Жиноят-ижроия, Солиқ кодексларига, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Хусусий корхона тўғрисида»ги, «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги қонунларга тузатишлар киритиш таклиф этилган.

Ҳужжатни атрофлича муҳокама қилиш чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси ушбу Қонунни қабул қилди ва у кўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

«Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси авиация соҳасининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга, миллий қонун ҳужжатларига Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг стандартлари ва тавсия этиладиган амалиётини татбиқ этишга, парвозлар хавфсизлиги даражасини ва авиайўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилгандир.

Қонун лойиҳасида Ҳаво кодексининг айрим моддаларини миллий қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномаларнинг талабларига мувофиқлаштириш, шунингдек, мамлакатимиз ҳаво ҳудудининг тузилмасини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳолда 2008 йил июль ойида ўтказилган аудит натижалари бўйича Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) комиссияси тавсияларини бажариш назарда тутилмоқда. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши Кодекснинг амалдаги таҳриридаги эскирган ҳуқуқий нормаларни чиқариб ташлаш, ташувчининг ўз фаолияти хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ўзининг қондаларини



вужудга келтириш ҳуқуқини янада аниқроқ белгилаш имкониятини беради.

Батафсил муҳокамадан сўнг депутатлар ушбу Қонунни ҳам қабул қилдилар, ҳужжат Олий Мажлис Сенатига юборилади.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкни муҳофаза этиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, автомобилларда ташиш сифати ва хавфсизлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва принциплари белгиланган, транспорт воситалари, автомобиль йўлларининг техник ҳолати ва жиҳозларига нисбатан қўйиладиган талаблар аниқлаштирилган.

Қонунчилик палатаси атрофлича муҳокамадан сўнг қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди. Депутатларнинг фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда ҳужжатни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш масъул қўмитага топширилди.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш пайтида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари саволлар ва таклифлар билан сўзга чиқдилар. Улар кўриб чиқилган қонун ҳужжатлари жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида ўтказилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатимизни янада ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Ахборот хизмати.**

**ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ
ТАҚДИМ ЭТАМИЗ**

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

**«НАВОИЙ» ЭИИЗдаги ЯНГИ ҚҚ КАБЕЛЬ
МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ**

Вазирлар Маҳкамасининг 13.06.2012 йилдаги 172-сон қарори билан 2012-2013 йилларда «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида янгидан ташкил этилаётган қўшма корхона базасида куч кабеллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳақидаги қарор қабул қилинди.

Уни амалга ошириш доирасида «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида «Олмалиқ КМК» ОАЖ, «Uzkabel» ОАЖ ҚҚ ва «Gulf Cable Trading Company» (ХХР) компанияси томонидан юқори кучланишли кабеллар ва тўқилган полиэтилен изоляцияли ўзакли изоляцияланган симлар ишлаб чиқариш бўйича устав фонди 18,8 млн АҚШ долларини ташкил этадиган «Hayat Power Cable Systems» МЧЖ қўшма корхонаси ташкил этилди.

«Hayat Power Cable Systems» МЧЖ қўшма корхонасининг устав фондида муассислар улуши қуйидаги миқдорларда: «Олмалиқ КМК» ОАЖ ва «Uzkabel» ОАЖ ҚҚ улуши – 25%дан, «Gulf Cable Trading Company» компанияси (ХХР) улуши – 50% этиб белгиланди. Қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишлари лойиҳа бўйича 2012 йил 30 ноябргача тугалланиши керак.

**«ЎЗДАВЗАХИРА» ҚЎМИТАСИГА
АЖРАТМАЛАРНИНГ
ЯНГИ МИҚДОРЛАРИ БЕЛГИЛАНГАН**

Вазирлар Маҳкамасининг 12.06.2012 йилдаги қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» (2010 йил 2 апрелдаги 62-сон) қарорининг 1-иловасига ўзгартиришлар киритилди.

Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмаларни тартибга солиш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг баъзи миқдорларига тузатиш киритилди.

Хусусан, масъул сақловчилардан давлат захиралари билан ишлаш тартибини бузганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириладиган жарималар ва пенялар суммаси Давлат захираларини бошқариш қўмитасига энди тўлиқ миқдорда келиб тушади. Давлат захираси моддий бойликларини қарзга олишда, шунингдек «Ўздавзахира» қўмитаси томонидан маҳсулотларни янгилаш тартибида сотишда ундириладиган қўшимча тўловдан ажратма миқдори эса 40%ни ташкил этади.

**ЕТИМ БОЛАЛАР ТЎҒРИСИДА
ДАВЛАТ ҒАМХЎРЛИГИ**

Вазирлар Маҳкамасининг 13.06.2012 йилдаги 171-сон қарори билан Болалар уйлари тўғрисидаги низом тасдиқланди. У билан Болалар уйини ташкил қилиш ва фаолиятини ташкиллаштириш тартиби белгиланган.

Болалар уйи қуйидаги 2 турга бўлинади:
болалар 3 ёшгача бўладиган умумий типдаги Болалар уйи;
4 ёшгача қабул қилинадиган, улар бу ерда 7 ёшгача бўлиши мумкин бўлган психологик ривожланиши бузилган болалар учун ихтисослаштирилган типдаги Болалар уйи.

Низом билан аниқлик киритилишича, қуйидагилар Болалар уйига қабул қилинади:

ота-оналари вафот этган, ота-она ҳуқуқларидан маҳрум этилган, улар касал бўлган ва бошқа сабабларга кўра етим ва ота-она қаровисиз қолган болалар; ташландиқ (топилган) болалар; туғруқ муассасасида ёки стационарда қолдириб кетилган болалар;

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ

1-бетда

психофизик ривожланиши бузилган болалар;

Ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тақдим этилган тегишли ҳужжат бўйича кам таъминланган оилаларнинг болалари, шунингдек фақат ота-онасининг бирига (она ёки отага) эга бўлган болалар – туман (шаҳар) ҳокимининг қарори бўйича.

Болаларда жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги, тери ва сочининг юқумли касалликлари, ўткир, шу жумладан вирусли юқумли касалликлар, марказий асаб тизимининг ўткир касалликлари, тери-таносил касалликлари аниқланган тақдирда улар стационар даволаниш учун ҳудудий даволаш-профилактика муассасаларига юборилади ва даволаниш тугаллангандан кейин Болалар уйига қабул қилинади.

Тарбияланувчилар овқатланиш, кийим-кечак, пойабзал ҳамда ёшига қараб мазкур ҳужжат билан тасдиқланган нормалар бўйича юмшоқ анжомлар билан таъминланади.

Низом билан шунингдек болаларни Болалар уйига қабул қилиш учун ҳужжатлар рўйхати ҳам тасдиқланган.

ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОНДА КИНО ОЛИШ ҚОИДАЛАРИ ТАСДИҚЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 12.06.2012 йилдаги 169-сон қарори билан Хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бадиий фильмларни кино ва видеотасвирга олиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бадиий фильмларни кино ва видеотасвирга олиш фақат фильм олиш тақвим режасида акс эттирилган муддатга берилган рухсатнома асосида амалга оширилади. Агар суратга олиш жараёни давомида ариза берувчида фильм олиш тақвим режасига ёки кино ва видеотасвирга олиш жойларига ўзгартиришлар киритиш зарурияти юзага келса (келишилган

режиссёр сценарийси мазмунига ўзгартириш киритмасдан), у ҳолда, хорижий кинокомпаниянинг аризаси бўйича «Ўзбекино» агентлиги (бундан кейин – Агентлик) 2 ҳафтадан ортиқ бўлмаган муддатда аризани кўриб чиқади ва мўлжалланаётган ўзгартиришлар бўйича қарор чиқаради.

Ариза берувчи рухсатнома олиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суратга олиш ишлари бошланишидан камида 2 ой олдин Агентликка тегишли ҳужжатларни бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали тақдим этади. Агентлик тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва ариза қабул қилинган кундан бошлаб 1 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинган қарор тўғрисида ариза берувчини ёзма равишда хабардор қилади.

Рухсатнома олишга ариза кўриб чиқилганлиги учун ариза берувчидан Ўзбекистон Республикасида белгиланган ЭКИХнинг 1 баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Ариза берувчи берилган аризани рад этган ёки рухсатнома бериш рад этилган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

Рухсатнома берилганлиги учун ариза берувчидан республика бюджети даромадига Агентлик билан келишилган фильм олиш тақвим режасининг тасвирга олиш кунлари сонидан келиб чиқиб ҳар бир тасвирга олиш куни учун 200 АҚШ долларига тенг суммада (тўлов кунда Марказий банкнинг курси бўйича) миллий валютада тўлов ундирилади.

Фильм олиш тақвим режасига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан Агентлик томонидан қўшимча рухсатнома берилган тақдирда киритилган ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда қўшилган тасвирга олиш кунларидан келиб чиқиб қўшимча тўлов ундирилади.

СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг 14.06.2012 йилдаги 173-сон қарори билан Спорт турлари бўйича терма жамоалар тўғрисидаги низом ҳамда Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Спорт турлари бўйича терма жамоалар тўғрисидаги низом уларни шакллантириш ва улар фаолиятининг асосий тамойилларини белгилайди.

Спорт турлари бўйича терма жамоалар (асосий таркиб ва захира (стажёрлар) таркибига куйидагилар кириди:

спортчилар;
тренерлар (бош тренерлар, катта тренерлар, тренерлар);
хизмат кўрсатувчи ходимлар – врачлар, массажчилар, рухшунослар, операторлар, техниклар, механиклар, хореографлар, аккомпаниаторлар, қутқарувчилар ва спортчиларни тайёрлаш учун зарур бўлган бошқа мутахассислар;

маъмурий ходимлар – раҳбарлар, менежерлар, спорт (техника) директорлари, маъмурлар.
Низомда белгиланишича, терма жамоалар катталар, ёшлар (болалар), ўсмирлар ёш тоифаларидаги спортчилардан, шунингдек спорт

ветеранларидан иборат бўлиши керак. Терма жамоаларнинг таркиблари ўтган спорт мавсумида расмий республика ёки халқаро спорт мусобақаларидаги иштироки яқунларига кўра шакллантирилади ва 1 йил муддатга тасдиқланади ва жорий йилнинг 1 январидан 31 декабригача амал қилади. Ёш цензи спорт турлари хусусиятларига мувофиқ, спорт турлари бўйича тегишли республика федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар) томонидан белгиланади.

Куйидаги талаблардан биттасига жавоб бермайдиган спортчиларни спорт турлари бўйича терма жамоаларга киритишга йўл қўйилмайди:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаса (спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар учун);
спорт турлари бўйича тегишли республика федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар) ҳамда жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари ҳисобида турмаса;
спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибидagi кичик ёш тоифасидагилардан катта бўлса;
спорт билан шуғулланиш учун тиббий рухсатномага ва тегишли спорт ҳужжати (спортчининг малака синов дафтарчасига, спорт гувоҳномасига) эга бўлмаса.

Терма жамоалар аъзолари куйидаги ҳуқуқларга эга: ўқув-тренировка йиғинлари ҳамда спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибидa республика ва халқаро спорт мусобақаларида қатнашиш даврида турар жой, озиқ-овқат, кийим-бош ва спорт формаси билан таъминланиш; давлат, минтақавий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларидан фойдаланиш;

фундаментал, тажриба-конструкторлик, технологик ҳамда бошқа илмий-тадқиқот институтлари, лабораториялар ва таълим муассасаларининг илмий, тиббий-биологик ва техник ютуқларидан фойдаланиш;

касалланган ва спорт жароҳатлари олинган барча ҳолатларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатли органнинг йўлланмаси бўйича тиббий хизмат кўрсатишдан, шунингдек спорт тиббиёт муассасаларида, врачлик-жисмоний тарбия диспансерларида даволанишдан фойдаланиш.

Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом уни тайёрлаш ва шакллантириш тартибини белгилайди. Календарь режа спорт федерациялари ва (ёки) жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари томонидан тақдим этилган спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларидан иборат бўлади ҳамда республика ва ҳудудий календарь режаларга бўлинади.

Республика ва ҳудудий календарь режаларида назарда тутилган спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини молиялаштириш республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига, ушбу мақсадларга ажратилган маблағлар доирасида, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.


АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРАЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 14.06.2012 йилдаги 174-сон қарори билан Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига «Ўзавтйўл» ДАКнинг «Ўзйўлбўтлаш» РТБ билан биргаликда бир ҳафта муддатда жорий йил охиригача импорт бўйича 70,0 минг

Реклама

ЯШАШ УЧУН ВАГОНЧАЛАР

Ҳар хил турдаги вагончаларни ишлаб чиқариш Маҳсулот сертификатланган



Тел. (+99890) 999-07-06, 253-39-99
E-mail: dmitriy@modul-stroy.uz

УШБУ СОНДА:

- ✓ ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида **1-бет**
- ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси **1-3-бетлар**
- ✓ ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР
- Устав фондини кўпайтириш: рўйхатдан ўтишга тайёрланамиз
- Ишончнома – эркин шаклда **3-бет**
- ✓ ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИЛАР ЭЪТИБОРИГА
- Меҳнат кодекси: ўзгаришлар вақти келди
- Ҳакамлик суди қарори бекор қилиниши мумкинми? **4-бет**
- ✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ
- Иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши шарт
- Қонун доирасида штатни қисқартириш

- «Келишиб» ишдан бўшаш
- Касаба уюшмангиз – сизнинг ҳимоячингиз
- Таътил олиш ҳуқуқисиз
- Маошим нимадан келиб чиқиб белгиланади? **5-6-бетлар**
- ✓ БИЗНИНГ МАСЛАХАТЛАР
- Китоб чиқармоқчи бўлсангиз, нашриёт хизматидан фойдаланинг
- Фермер хўжаликлари товар айланмасидан бўнак тўловларини тўлайдими?
- Штатда бўлмаган ходимга ташкилотнинг валюта ҳисобварағидан маблағлар берилмайди
- Тугатилаётган корхонанинг мол-мулки инвентарлашдан ўтказиладими? **6-7-бетлар**
- ✓ КРИМИНАЛИСТ ЭКСПЕРТ ЁН ДАФТАРИДАН
- Мудҳиш рейс **8-бет**

МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	22.06.2012	1	0,7857	1	0,9862	1	0,0237
Арманистон	22.06.2012	1	418,54	1	525,44	1	12,59
Беларусь	23.06.2012	1	8330,00	1	10440,00	1	248,50
Грузия	22.06.2012	1	1,6294	1	2,0685	1	5,011
Қозоғистон	23.06.2012	1	149,17	1	187,24	1	4,47
Қирғизистон	23.06.2012	1	47,198	1	59,2642	1	1,4081
Латвия	25.06.2012	1	0,56	1	0,702804	1	0,0169
Литва	25.06.2012	1	2,7544	1	3,4528	10	8,2085
Молдова	22.06.2012	1	12,1244	1	15,3635	1	0,3687
Тожикистон	23.06.2012	1	4,7657	1	5,9824	1	0,1461
Ўзбекистон	19.06.2012	1	1881,31	1	2364,69	1	58,07
Украина	22.06.2012	100	799,25	100	1012,6498	10	2,4289
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

ЭТАМИЗ

тонна ҳажмида 2012 йилда Ўзбекистон миллий автомагистрала таркибига кирувчи автомобиль йўллари участкаларини қуриш ва реконструкция қилиш учун етмаётган йўл битуми етказиб беришга «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг идоравий мансуб корхоналари билан шартномалар тузиш топширилди. Бунинг учун «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг идоравий мансуб корхоналарига йўл битуми етказиб беришга «Ариа Петролиум К/С» (Дания) компанияси билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб боришга ва уларнинг яқунлари бўйича тендер савдолари ўтказмасдан импорт контрактлар тузишга истисно тариқасида рухсат берилган.

Айрим автомобиль йўллари участкаларини қуриш ва реконструкция қилиш учун импорт бўйича олиб келинаётган мазкур йўл битумига божхона тўловлари тўлаш (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) 2013 йил 1 июнгача бўлган муддатга кечиктирилади.

ЙЎЛОВЧИЛАРНИ АВТОМОБИЛДА ХАВФСИЗ ТАШИШ МАҚСАДИДА

ЎзР Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2012 йил 23 апрелдаги қарори (АВ томонидан 2012 йил 20 июнда 2372-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Автовокзаллар ва автостанциялар ҳудудида йўловчилар ва бошқа шахсларни киритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди.

Йўриқнома йўловчиларни автомобилда ташиш хавфсизлигини таъминлаш, одамлар ҳаёти ва соғлигини, автовокзал ва автостанцияларнинг технологик комплекси объектларини ноқонуний аралашув ҳаракатларидан муҳофаза қилиш ҳамда йўловчиларнинг автомобиль транспортида хизмат кўрсатиш хавфсизлиги даражасини оширишга қаратилган.

Йўриқнома йўловчилар ва бошқа шахсларнинг қўл юкини, бағажини ва ўзини назоратдан ўтказиш тартибини, шунингдек назоратдан ўтказиш ваколатига эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Назоратдан ўтказиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

автовокзаллар ва автостанциялар ҳудудида кирувчи йўловчилар ва бошқа шахслар назоратдан ўтказиш пункти орқали ўтадилар, бу ерда уларга мавжуд металл буюмлари, автотранспорт воситаларида қўл юки ва бағаж шаклида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар, шунингдек ташиш учун берилган ўзга шахсларнинг ашёлари (жўнатмалар, бандероллар, тугунлар, пакетлар ва шу кабилар) тўғрисида маълумот бериш таклиф этилади;

назоратдан ўтказилаётган шахсга кийимдаги мавжуд металл буюмларни (портсигар, калитлар, фольгали пачкалардаги сигареталар, тангалар ва шу кабиларни) назарда тутилган идишга қўйиш ва одамларнинг тўпланиб қолишига йўл қўймай навбати билан турғун металл детектор рамкаси орқали ўтиш таклиф этилади, металл буюмлар мавжудлиги тўғрисида сигнал тушган тақдирда қўлда ишлатиладиган металл детектор қўлланилади, у бўлмаганда эса — белгиланган тартибда шахсий кўздан кечирилади;

ногабарит буюмлар, йўловчилар ва бошқа шахсларнинг қўлидаги устки кийимлар ва ичида нималар борлигини металл детектор билан аниқлаб бўлмайдиган қўл юки ва бағаж қўлда кўздан кечирилади.

Зарурат бўлганда назоратдан ўтказиш хизмат итларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Йўловчилар ва бошқа шахсларнинг ёнидаги қўл юки ва бағажини назоратдан ўтказиш улар иштирокида амалга оширилади.

Йўриқномада шахсларни танлаб шахсий кўздан кечириш қоидалари белгиланган. Хусусан, белгиланишича, шахсий кўздан кечириш тайёрланаётган ноқонуний аралашув ҳаракати тўғрисида хабар келган, кўздан кечириладиган шахсларнинг шубҳали ўзини тутиши ва хатти-ҳаракатлари белгилари, унда автотранспорт воситаларида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмлар бўлиши мумкинлиги тўғрисида шубҳа туғдирувчи белгилар аниқланган ҳолларда махсус жиҳозланган хоналарда амалга оширилади. Шахсларни шахсий кўздан кечириш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 289-моддасига мувофиқ ва йўловчилар ва бошқа шахсларга автотранспорт воситаларида қўл юки ва бағаж шаклида ташиш тақиқланган хавфли моддалар ва буюмларни аниқлаш учун зарур бўлган доирада амалга оширилади.

Йўриқнома 2012 йил 30 июндан кучга киради.

Ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристинимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ: РЎЙХАТДАН ЎТИШГА ТАЙЁРЛАНАМИЗ

Бизнинг МЧЖ (деҳқон бозорлари фаолиятини ташкил этиш билан шуғулланади) 2004 йилда ташкил этилган. Устав фонди асосий воситаларидан ва МЧЖга ажратилган Давлат мулки қўмитаси томонидан баҳоланган ер участкаларига доир ҳуқуқлардан шакллантирилган. Муассислар таркибида давлат улуши 51%ни ташкил этадиган ҳокимлик бор.

МЧЖ бозор ҳудудида ветеринария лабораторияси барпо этди, бозор филиалини бунёд этди. Асосий воситалар кўпайди. Энди МЧЖ ўзининг устав фондини кўпайтириш ниятида.

Устав фондини кўпайтириш бўйича ҳужжатларни қандай кетма-кетликда тайёрлаш кераклигини тушунтириб берсангиз.

Д.Фуломова.

– Ҳужжатларнинг аниқ таркиби, уларни расмийлаштириш тартиби, босқичлари ва муддатлари устав фондини қай усулда кўпайтиришга боғлиқдир.

«Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (6.12.2001 йилдаги 310-II-сон) 16-моддасининг учинчи қисмига, 17, 18-моддаларига мувофиқ жамият устав фондининг кўпайтирилиши:

- 1) жамиятнинг мол-мулки ҳисобига;
- 2) жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ҳисобига;

3) агар бу жамиятнинг устави билан тақиқланган бўлмаса, жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Қонунда назарда тутилган исталган усулда устав фонди кўпайтирилганда мажбурий тартибда куйидагилар тайёрланади:

- муассислар умумий йиғилишининг баённомаси;
- таъсис ҳужжатларида эълон қилинган устав фондининг миқдори шакллантирилганлиги тўғрисида ҳужжат (ҳужжатлар) (бухгалтерия баланси, мол-мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномалари ва ҳоказо);

муассислар томонидан тўлиқ ҳиссалар киритилганлиги тўғрисида гувоҳномалар.

Кўрсатилганларга қўшимча равишда муассислар устав фондини кўпайтириш учун танлаган усулга боғлиқ ҳолда бир қатор бошқа ҳужжатларни тайёрлаш керак*.

Устав фонди кўпайиши муносабати билан МЧЖ устави киритилган ўзгартиришларни давлат рўйхати-

дан ўтказиш учун уни рўйхатдан ўтказган органга, Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида низомнинг (ВМнинг 20.08.2003 йилдаги 357-сон қарорига 1-илова) 72-бандига кўра куйидагилар тақдим этилади:

- ариза;
- таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги баённома;
- ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг ваколатли шахс томонидан имзоланган ва тадбиркорлик субъекти муҳри билан тасдиқланган 2 нусхаси;
- давлат божи тўланганлиги ҳақида банкнинг тўлов ҳужжати;
- таъсис ҳужжатларида эълон қилинган устав фонди миқдорининг шакллантирилганлиги ҳақидаги ҳужжат;
- муассислар ҳиссасининг тўлиқ киритилганлиги ҳақида гувоҳнома нусхаси;
- ҳиссалар тўлиқ миқдорда қўшилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (устав фонди жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ёки учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига кўпайтирилганда).

*Ҳужжатларнинг зарур намуналари ва шакллари билан биргаликда ҳар бир усул бўйича муфассал йўриқномалар берилган устав фондини кўпайтириш таомилларини ўтказиш тартиби тўғрисида батафсил тушунтиришлар «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимида берилган.

ИШОНЧНОМА – ЭРКИН ШАКЛДА

«NORMA» юридик хизматининг ҳурматли мухтаassisлари, сизлар олиб бораётган ишингиз ва чоп этаётган тушунтиришларингиз учун сизларга ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз.

Куйидаги саволга жавоб беришингизни сўраймиз: **Якка тартибдаги тадбиркор ТМБ олиш учун ўз номидан бошқа жисмоний шахсга Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланган шаклда ишончнома ёзишга ҳақлими ва, тегишинча, махсулот етказиб берувчи бундай ишончномага асосан ТМБ бериш ҳуқуқига эгами?**

Ж.Яхапов,

ХК директорининг ўринбосари.

– Якка тартибдаги тадбиркор Фуқаролик кодексининг 129, 134, 135-моддаларига мувофиқ шартнома ни расмийлаштирган ҳолда етказиб берувчидан у шартнома бўйича харид қилган товар-моддий бойлик-

ларни олиш учун бошқа жисмоний шахсга ваколат беришга ҳақлидир. Қонун ҳужжатларида бундай ишончноманинг тайёр шакли назарда тутилмаган, шу сабабли у эркин шаклда тузилиши мумкин*. Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисидаги низомга (молия вазирининг АВ томонидан 27.05.2003 йилда 1245-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) 1 ва 2-иловаларда келтирилган, ТМБ олиш учун юридик шахслар расмийлаштирадиган ишончнома шакллари якка тартибдаги тадбиркорлар асос сифатида олишлари мумкин. Кўрсатилган шакллар негизда ўз ишончномасини тузаётганда якка тартибдаги тадбиркор мақомининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда тўлдириладиган устунлар ва сатрларга синчиклаб тузатишлар киритиши зарур.

*Хўжалик юритувчи субъектларнинг қўллаши учун тавсия қилинадиган ишончномаларнинг намуналари «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимида келтирилган.

Артём МОКШИН, «Norma» эксперт юридик хизмати раҳбари.

Реклама



Электрон маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Харид қилиш масалалари бўйича куйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. 6-қават.
Тел./факс:(998 71) 283-23-74.
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

МЕҲНАТ КОДЕКСИ: ЎЗГАРИШЛАР ВАҚТИ КЕЛДИ

Меҳнат ҳуқуқи манбалари орасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси юқори юридик кучга эга бўлган Асосий Қонун ҳисобланади. Конституцияда меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган ва эълон қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23-моддасига мувофиқ қонун билан белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Меҳнат соҳасидаги қонунлар ичида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан кейин Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси (бундан кейин – Меҳнат кодекси, Кодекс, МК) энг муҳим ҳужжат ҳисобланади. У жамият ҳаётининг энг муҳим жабҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатиدير. У 1996 йил 1 апрелдан амал қила бошлаган.

2012 йилга қадар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига бир неча маротаба тузатишлар киритилган: Меҳнат кодексига энг муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар 15 марта қонунлар билан киритилган. 16 йил давомида МКга 1 та янги модда (228-1) қўшилган, ундан 1 та модда (253) чиқариб ташланган, 10 та моддага қўшимчалар, 50 дан ортиқ моддага ўзгартиришлар киритилган, 27 та модда янги тахрирда баён этилган.

Ҳозирги пайтда Меҳнат кодекси 2 қисм, 16 боб ва 294 моддадан иборат.

Киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантириш; ходимларнинг ҳимояланганлик даражасини ошириш; мамлакатимизда янада юқори бандлик даражасини таъминлаш; ходимларнинг вакиллик органлари, энг аввало, касаба уюшмаларининг иш берувчилар билан ҳамкорлигини яхшилаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро битимлар ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) тавсияларига яқинлаштиришга қаратилган.

Бироқ ноинсоф иш берувчилар ходимларни ариза ёзишга мажбурлаб, улар билан меҳнат муносабатларини асоссиз равишда бекор қиладиган ҳамда тегишли иш ҳақини тўлашни узоқ муддатга чўзадиган, меҳнат шартномаларини нотўғри расмийлаштирадиган, ишга қабул қилишда асоссиз рад жавобини берадиган ҳолатлар, шунингдек иш берувчилар томонидан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқа кўлаб бузишлар тез-тез учраб туришини таъкидлаш керак.

Меҳнат кодекси амалга киритилганидан кейин «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида» (2002 й.), «Хусусий корхона тўғрисида» (2003 й.), «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» (2004 й.), «Фермер хўжалиги тўғрисида» (2004 йилги янги тахрирда), «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» (2008 й.), «Оила-

вий тадбиркорлик тўғрисида»-ги (2012 й.) қонунлар, Касаначилик тўғрисидаги низом (ВМнинг 11.01.2006 йилдаги 4-сон қарорига 1-илова), Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини компьютер саводхонлигининг минимал даражаси бўйича талабларга мувофиқлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 27.10.2011 йилдаги 289-сон қарорига 2-илова), Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси тўғрисидаги низом (ВМнинг 19.02.2010 йилдаги 29-сон қарорига 2-илова) сингари кўпгина турли қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Бироқ меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига аралашмасдан меҳнат муносабатлари борасида юқорида айтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш мумкин эмас.

Шу сабабли ҳуқуқни қўллаш амалиётида Кодекс қоидаларини амалда қўллаш, унинг айрим қоидаларини ҳар хил талқин қилиш ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан фарқ қилиши билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланарди.

Кодекс айрим нормаларининг мазмуни, айниқса улардан ҳар хил маъно келиб чиқса ёки улар етарлича аниқ бўлмаса, юристлар, шунингдек текширувчи органларда кўп сонли мунозаралар юзага келади, бу эса СССР даврида қабул қилинган ҳуқуқий манбалардан, улар кўп жиҳатдан эскирган бўлишига ҳамда ЎзР Меҳнат кодексига зид келишига қарамай, фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради.

Мисол учун, МКнинг 160-моддасига биноан ходим ўзининг асосий иши билан бир қаторда, ўриндошлик асосида ҳақ тўланадиган бошқа ишни бажарганида **ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори** меҳнат шартномасининг тарафлари ўртасидаги келишувга биноан **амалда бажарилган иш бўйича белгиланади**. Бинобарин, ҳисобга олиш табелида иш ҳажмини бажаришга сарфланган ҳақиқатда

ишланган (тўланадиган ҳаққа таъсир қилмайдиган) вақт кўрсатилиши мумкин, яъни ишга келинган кунлар ва бажарилган ишга қараб табелда ўриндош ходимнинг ишлаган вақти кўрсатилади.

Ўриндошлик асосида ишлаш шартлари тўғрисидаги низомнинг (СССР меҳнат давлат кўмитаси, Адлия вазирлиги ва ВЦСПС Котибиятининг 9.03.1989 йилдаги 81/604-К-3/6-84-сон қарори билан тасдиқланган) 4-бандида назарда тутилишича, «ўриндошлик асосидаги иш вақти бир кунда 4 соатдан ёки дам олиш кунда тўлиқ иш кунидан ошмаслиги керак». Амалиётда ушбу қоида турлича талқин қилинади. Кўп ҳолларда ҳақ меҳнат натижаларига қараб эмас, МКнинг 160-моддасини бузган ҳолда – ишланган вақтга қараб белгиланади.

Бир неча касбда (лавозимда) ишлаганда ҳам шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликлар аниқланади. Қоидага кўра бу турдаги ишларнинг ҳаммаси асосий иш билан бирга бир корхона, муассаса, ташкилотнинг ўзида ходимнинг розилиги билан қонун ҳужжатлари билан белгиланган иш вақтининг муддатида бажарилиши керак (СССР ВКнинг 4.12.1981 йилдаги 1145-сон «Бир неча касбда (лавозимда) ишлаш тартиби ва шартлари тўғрисида» қарорини қўллаш бўйича йўриқнома). Бироқ айрим ҳолларда 6 соат ўрнига (тиббийёт муассасаларида) меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда қўшимча соатлар ишлашга тўғри келади (бошқа ставкада ишлаганда).

17.04.1998 йилда Олий суд Пленумининг «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида» 12-сон қарори, шунингдек Олий суд Пленумининг бошқа бир қатор қарорларининг қабул қилиниши Меҳнат кодекси меъёрларининг такомиллаштирилиши ва амалда қўлланилишининг бирхиллаштирилишида муҳим ўрин тутди.

Шу тариқа, Меҳнат кодексига салмоқли ўзгартиришлар киритилганига қарамай, уни янада



такомиллаштириш вазифаси долзарблигича қолмоқда. Меъёрларни ҳамма бир хилда тушуниши учун уларни тўлдириш ва Меҳнат кодексининг тегишли бобларига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат кодексини қуйидаги алоҳида боблар билан тўлдириш ўринли бўларди деб ўйлаймиз:

- ўриндошлик асосида ишлайдиган шахсларнинг ҳамда бир неча касбда (лавозимда) ишлаганда уларнинг меҳнатини тартибга солиш;

- мавсумий ишларда банд бўлган ходимларнинг, шунингдек вахта усулида ишлайдиган шахсларнинг меҳнатини тартибга солиш;

- касаначилар, қон донорлари, транспорт, педагогика, тиббиёт ва диний ташкилотлар ходимлари, шунингдек сайлаб қўйиладиган ходимлар меҳнатини тартибга солиш.

Қуйидаги муаммоли жиҳатларга ҳам эътибор бериш лозим:

Меҳнат кодексининг 83-моддасини ходим меҳнат шартномасида кўрсатилган иш вақти бошланадиган кунда ишга киришмаган бўлса, меҳнат шартномасини бекор қилишни назарда тутадиган учинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир. Меҳнат шартномаси бекор қилинадиган шакл, уни расмийлаштириш тарзи ҳам аниқлаштирилиши керак, зеро мазкур ҳолда меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш зарурати мавжуд эмас (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди);

ходим номаълум сабабларга кўра узоқ муддат ишда бўлмаган тақдирда меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби ҳақидаги масала ҳам тартибга солиниши керак.


Меҳнат кодексини янада такомиллаштириш қонуности ҳуқуқий тартибга солиш ҳажмини камайтириш, меҳнат муносабатлари соҳасида юқори юридик кучга эга бўлган ҳужжатларнинг устуворлигини қарор топтириш имконини беради.

**Абдусалом
РИСКУЛЛАЕВ,
эксперт-юристимиз.**

ҲАКАМЛИК СУДИ ҚАРОРИ БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУМКИНМИ?

Ўзбекистон

Республикаси Олий хўжалик судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда «Хўжалик судлари томонидан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳамда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги ишларни кўришда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарор лойиҳаси муҳокама қилинди.



Бу суд амалиётида ушбу тоифадаги ишларни кўришда қонун ҳужжатлари нормаларини бир хилда ва тўғри қўллашга хизмат қилади.

Хусусан, унда хўжалик судлари мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқишда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва уни мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини беришни рад этиш асослари ва ҳакамлик битимини ҳақиқий эмас, деб топиш учун унинг бундай битимларга қўйилган талабларга мувофиқлигини текширишга алоҳида эътибор бериши лозимлиги назарда тутилган. Қарор лойиҳасида хўжалик судлари ҳакамлик суди аниқланган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмаслиги кўрсатилган.

Мазкур қарор тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш, хўжалик судларида қайд этилган тоифадаги ишларни ҳал этишда одил судловни таъминлашга хизмат қилади.

**ЎЗА материали асосида
тайёрланди.**

ИШ ҲАҚИ САҚЛАНМАГАН ҲОЛДА ТАЪТИЛ БЕРИЛИШИ ШАРТ

Мен ногиронман. Иш ҳақи сақланмайдиган таътил олишим керак. Унга чиқа оламанми?

– Меҳнат кодекси (бундан кейин – МК) 150-моддасининг иккинчи қисмида иш берувчи уларнинг хоҳишига кўра ёзма аризага асосан **иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил** бериши шарт бўлган ходимларнинг тоифалари назарда тутилган. Куйидаги ходимларга **муқаррар тартибда** ушбу таътил **берилади**:

1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга – ҳар йили 14 календарь кунга қадар;
ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронлари-

га – ҳар йили 14 календарь кунга қадар; 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга (МКнинг 234-моддаси); 12 ёшга тўлмаган 2 ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга – ҳар йили 14 календарь кунга қадар (МКнинг 232-моддаси); меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил олиш учун ходим иш берувчига заруратга қараб исталган вақтда ариза бериши керак.

ҚОНУН ДОИРАСИДА ШТАТНИ ҚИСҚАРТИРИШ

Штат қисқариши сабабли ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилаётганда иш берувчи қандай таомилга риоя этиши шарт?

– Иш берувчи меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни **камида 2 ой олдин** ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши шарт (МК 102-моддасининг биринчи қисми).

Ташкилот ходимлари сонини (штатни) қисқартириш бўйича тадбирлар ўтказиш пайтида иш берувчи ходимга бошқа мавжуд ишни (бўш турган лавозимни) таклиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин (МКнинг 92-моддаси).

Иш берувчи ходим билан меҳнат шартномасини **2 ойлик муддат тугашигача** ҳам, фақат ходимнинг ёзма розилиги билан бекор қилиш ҳуқуқига эга, **огоҳлантириш** унинг муддатига мувофиқ келадиган ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган ишдан бўшатиш нафақасини тўлаган ҳолда **пуллик компенсация билан алмаштири-**

лиши мумкин (МК 102-моддасининг иккинчи қисми, 109-моддаси).

Штат қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда (олдиндан ходимлар вакиллик органининг розилигини олган ҳолда, агар розилик, МКнинг 101-моддасига кўра, жамоа битими ёки жамоа шартномасида назарда тутилган бўлса), юқорида айтилган тўловлардан ташқари, иш берувчи жами фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун компенсация тўлаши ва ҳисоб-китоб қилиши шарт (МКнинг 110, 151-моддалари).



ТАЪТИЛЛАР МАВСУМИ

Ташкилотимиз ходими бир неча йил таътилда бўлмаган ва унга фойдаланилмаган таътиллари учун компенсация берилишини сўрапти. Билишимча, барча фойдаланилмаган таътиллари учун компенсация ишдан бўшатиш пайтида берилади, бироқ ходимимиз ишдан бўшаш ниятида эмас. 3 йиллик иш даврида фойдаланилмаган таътиллари учун компенсация бериш мумкинми? ХК бухгалтери.

– Иш даврида фойдаланилмаган таътиллари учун компенсация тўлаш мумкин эмас.

МК 151-моддасининг биринчи қисмида белгиланишича, меҳнат шартномаси бекор қилинганда, уларнинг умумий муддати қанчалигидан ва меҳнат шартномаси қандай асосларга кўра бекор қилинаётганидан қатъи назар, ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади.

Шунга ҳам эътиборингизни қаратамизки, МК 164-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига кўра агар ходим таътил берилган кунлар учун ишлаб бермаган бўлса, унга компенсация тўланмайди. Бундай вазиятда таътилни ишламаган кунларига тўғри келадиган таътил

пуллари суммаси, меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходимнинг иш ҳақидан ушланади. Ходим куйидаги ҳолатлар муносабати билан ишдан бўшаганда ушбу кунлар учун пул ушланмайди: у янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги (МК 89-моддасининг тўртинчи қисми); технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги; ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1 ва 2-бандлари); ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган тақдирда;

шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланган тақдирда (МК 106-моддасининг 1 ва 2-бандлари); шунингдек ўқишга кириш ёки пенсияга чиқиш сабабли.

Ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, **таътилни 15 иш кунидан ортиқча қисми учун** пуллик компенсация тўланиши мумкин (МК 151-моддасининг иккинчи қисми).

Таътилни бир қисмини пуллик компенсация билан алмаштириш ходимнинг ёзма аризасига кўра амалга оширилади.

«КЕЛИШИБ» ИШДАН БЎШАШ

Меҳнат кодекси меҳнат шартномасини бекор қилиш учун тарафларнинг келишуви каби асосни назарда тутди. Бунда нима назарда тутилишини тушунтириб берсангиз.

– Бунинг маъноси шуки, тарафлар исталган вақтда меҳнат шартномасини МК 97-моддасининг 1-бандига асосан ўзаро келишув бўйича (низо-жанжалларсиз) бекор қилишлари мумкин.

Одатда тарафларнинг келишувига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиниши хо-

дим ва иш берувчи имзолайдиган, меҳнат шартномасига қўшимча келишув билан расмийлаштирилади. Тарафларнинг келишувига кўра меҳнат шартномасини бекор қиладиган шартлар ходим билан иш берувчи ўртасидаги муайян келишувга боғлиқдир.

КАСАБА УЮШМАНГИЗ – СИЗНИНГ ҲИМОЯЧИНГИЗ

Меҳнат муносабатларини тартибга солишда касоба уюшмаларининг роли қандай?

– МК 9-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандига мувофиқ **меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилишни касоба уюшмалари амалга оширади.**

Касаба уюшмаси аъзоларини иш берувчиларнинг меҳнат муносабатларида гайриқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилиш бошланғич касоба уюшмаси ташкилотининг бевосита бурчидир.

Бунда, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун 11-моддасининг иккинчи қисмига кўра касоба уюшмалари меҳнатқашларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун даъво аризалари билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

ХАЙР, ИШ БЕРУВЧИ!

Ўз хоҳишимга кўра хусусий фирма билан меҳнат шартномасини бекор қилганимда менга қандай ҳужжатлар беришлари керак? 2 ҳафта ишлаб бердим. Менга бирор-бир тўловлар (компенсациялар) тўланиши керакми?

– Меҳнат шартномаси бекор қилинган кун иш берувчи сизга меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт (МКнинг 108-моддаси). Бунда сизга меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда тегишли иш ҳақи (МКнинг 110-моддаси) ва фой-

даланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади (МКнинг 151-моддаси).

Меҳнат кодексига ўз хоҳиши билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ҳеч қандай қўшимча тўловлар ва компенсациялар (МКнинг 99-моддаси) назарда тутилмаган.

ТАЪТИЛ ОЛИШ ҲУҚУҚИСИЗ

Болани парвариш қилиш таътилидаман. Менда йиллик таътиллари йиғилиб бориладими?

– МК 234-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ **болани парвариш таътиллари вақти**, башарти жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида ёхуд меҳнат шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, **кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшилмайди.**

Шу тариқа, ходим жамоа шартномаси, корхонанинг бошқа локал ҳужжатлари, шунингдек ходим билан иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси билан яна бир мартаба танишиб чиқиши лозим.

Шуни унутмаслик лозимки, иш даврида ижтимоий таътиллари барча турларидан (МКнинг 149-моддаси), шунингдек МКнинг 137 ва 138-моддаларида назарда тутилган қўшимча таътиллари асли ҳолида фойдаланилади ва уларни пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди (МК 151-моддасининг учинчи қисми).

Ўқитувчиларга бериладиган таътиллари муддати қандай ҳисоблаб чиқилади? Агар ўқитувчи 2012 йил февралда ишга тушган бўлса, унга таътил бериладими, қанча кунга берилади? Наргиза.

– МК 143-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ мактаблар, олий ва ўрта махсус, касбунара ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлари таркибига **биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъи назар ҳақиқий** ишлаган вақтига мутаносиб равишда (ҳар бир ишлаган ой учун 4 иш кунини ҳисобидан) ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ (48 иш кунини) берилади.

КИТОБ ЧИҚАРМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, НАШРИЁТ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги тизимидаги «Автодарётранс-илм» давлат илмий-методик маркази давлат унитар корхонаси (ХХТУТ-92200) автотранспорт соҳасидаги мутахассис ва раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш билан шуғулланиб келади.

Марказ тингловчилар ва автотранспорт соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилот раҳбарларининг талабини ҳисобга олиб, автотранспорт соҳасида ўқув-методик қўлланмани чоп этмоқда.

Қуйидаги саволларимизга жавоб беришингизни илтимос қиламиз:

Марказ қайд этилган қўлланмани ўз маблаглари ҳисобидан буюртма асосида чоп эттириб, Марказда малакасини ошираётган тингловчиларга ва бошқа автотранспорт соҳасида фаолият юритаётган корхона-ташкilotларга шартнома асосида пул ўтказиш йўли билан реализация қилса бўладими?

Сотиш учун бирон-бир лицензия талаб қилинмайдими?

Муҳиддин Калонов,
бош директор ўринбосари.

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 12.05.2001 йилдаги 222-II-сон қарори билан Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тасдиқланган. Мазкур Рўйхатга ноширлик фаолияти ҳам киритилган. Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тартиби Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низом (ВМнинг 11.06.2004 йилдаги 275-сон қарори билан тасдиқланган) билан белгилаб берилган.

Ушбу Низомга кўра, корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлири ва илмий муассасалар томонидан ўз фаолияти учун зарур бўлган ва кўлэзма ҳуқуқлари билан оммавий равишда тарқатиш ёки кўпайтириш учун мўлжалланмаган материалларни нашр этишда лицензия талаб қилинмайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, агар сиз нашр этилган материаллардан фақат ўз фаолиятингиз давомида фойдалансангиз, яъни бу қўлланмани ўзингизнинг тингловчи-

рингизга тарқатсангиз, сизга ноширлик фаолияти учун лицензия талаб қилинмайди. Бирок, ушбу қўлланмани реализация қиладиган бўлсангиз, бунинг учун Низомда белгиланган тартибга асосан мазкур фаолият учун лицензия олишингиз талаб этилади.

Аммо сиз ўқув қўлланмани чиқариш учун унинг мавзусидаги босма маҳсулотларни чиқаришга ихтисослашган ва ноширлик фаолияти юритиш учун лицензияга эга бўлган ташкилотга (нашриётга) мувожаат қилишингиз мумкин. Нашриёт сизга қўлланмани чоп этиш бўйича шартномага асосан хизматлар кўрсатиши, яъни қўлланмани босмадан чиқариб бериши мумкин. Бунда сиз ўқув материалларининг (қўлланманинг) бир қисмини бошқа ўқув марказларига ноширлик фаолияти учун белгиланган лицензиясиз реализация қилишингиз мумкин.

Шу тариқа, мазкур чоп этиладиган ўқув қўлланманинг тегишли материаллари сиз томонингиздан тайёрланганлиги учун нашриёт сизга фақат ноширлик фаолияти доирасида хизмат кўрсатган бўлади ҳамда сиз бунинг учун унга ҳақ тўлайсиз, тегишинча, сизга улгуржи савдони амалга ошириш учун лицензия талаб қилинмайди.

ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ ИПОТЕКА КРЕДИТИНИ ҚОПЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАНДА

2010 йил 10 апрелдаги 45-сонли шартномага, асосан, ўғлим номига «Қишлоқ қурилиш банк» АКТ банкидан олинган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун имтиёзли ипотека кредитига «биргаликда қарз олувчи» бўлиб шартнома туздим. 2011 йил февраль ойидан бошлаб ойлик иш ҳақимни ушбу кредитга йўналтириб келмоқдаман. Ушбу кредитга йўналтирилган ойлик иш ҳақимдан даромад солиғи ушланиб келинмоқда. Ушбу кредитга йўналтирилган иш ҳақимдан даромад солиғи бўйича имтиёз борми? Шу ҳақда батафсил маълумот беришингизни сўрайман.

Зокиржон Каримов,
Урганч тумани.

– Солиқ кодексининг 179-моддаси 30-бандига кўра, жисмоний шахсларнинг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкнинг кредитлари ҳисобига қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қурувчи шахслар томонидан олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган даромадларига жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи солинмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ипотека кредитини бериш тўғрисидаги шартномага мувофиқ тарафлар биргаликда қарз олувчи бўлса, намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун олинган имтиёзли ипотека кредитига йўналтирилган ойлик иш ҳақидан даромад солиғи ушланиб қолинмайди.

Жавобларни экспертизимиз Малика ХАДИЕВА тайёрлади.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ТОВАР АЙЛАНМАСИДАН БЎНАК ТЎЛОВЛАРИНИ ТЎЛАЙДИМИ?

Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ улгуржи савдо корхоналари томонидан ЯСТни бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби кўрсатиб ўтилган. Шунга асосан улгуржи савдо фаолияти учун лицензия олган фермер хўжаликлари ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини (чорвачилик маҳсулоти) реализация қилиш тушумидан ЯСТ бўйича бўнак тўловларини ушлаб қолиши мумкинми?

Б.Эргашев,
«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ
Сурхондарё минтақавий
филиали юристи.

– Ушбу саволингизга жавоб беришдан олдин улгуржи савдо фаолияти тушунчасига аниқлик киритиб олишни ўринли деб ҳисоблаймиз. Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг

(ВМнинг 26.11.2002 йилдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган) 2-бандига асосан тижорат мақсадларида ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиш учун ҳисоб-китобларнинг нақдинасиз шаклида харид қилинадиган товарларни сотиш улгуржи савдо фаолияти деб эътироф этилади.

Шунингдек, СКнинг 362-моддасида қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар ягона ер солиғи тўловчилари бўлишлари белгиланган. Унга кўра, солиқ солиш мақсадида бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга жавоб берадиган юридик шахслар қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар жумласига киради:

ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш ёхуд ер участкаларидан фойдаланган ҳолда фақат бундай маҳсулотни етиштириш асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар;

қишлоқ хўжалигини юритиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўзларига белгиланган тартибда берилган

ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш улуши реализация қилиш ёки қайта ишлаш учун олинган бундай маҳсулотни ўз ичига олувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш умумий ҳажмида камида 50 фоизни ташкил этадиган юридик шахслар.

Сизнинг фаолиятингиз юқорида айтиб ўтилган шартларга тўғри келса, унда сиз қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчилар жумласига кирасиз ва ягона ер солиғини тўлашингиз керак бўлади, бунда сизга ЯСТ бўйича бўнак тўловлари ушлаб қолиниш тартиби татбиқ этилмайди.

Борди-ю, сизнинг фаолиятингиз қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар тоифасига кирмаса, унда юқоридаги тартиб сизга татбиқ этилади ва улгуржи савдо фаолиятдан бўнак тўлови тўлайсиз.

Жавобни экспертизимиз
Умидбек САФАРОВ
тайёрлади.

Кадрлар бўлими

МАОШИМ НИМАДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ БЕЛГИЛАНАДИ?

Мен кўп йиллардан буён бош бухгалтер бўлиб ишлайман. Бош бухгалтернинг лавозим маошини корхона раҳбари ўринбосарининг маошига тенглаштириш лозимлиги тўғрисида меъёрий ҳужжат мавжуд эди. Кейинги 3 йил мобайнида менга ўринбосар маоши ставкасидан (тариф разряди бир хил – 14-разряд) 5 фоиз камайтириб иш ҳақи белгиланмоқда, шу тўғрими? Олдинги меъёрий ҳужжатга ўзгартириш киритилганми? Шулар тўғрисида тўшунтиришлар берсангиз.

Х.Нурмухамедова,
Давлат унитар корхонаси
бош бухгалтери.

– Давлат унитар корхонасида ишлашингизни эътиборга олиб, бу йўналишда қабл қилинган умумий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида тўхталиб ўтаман.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 18.03.1996 йилдаги «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 103-сон қарори билан (мазкур қарорга киритилган ўзгартиришлар билан) меҳнатга ҳақ тўлашнинг 22 разрядли Ягона тариф сеткаси тасдиқланган. Уни қўллаш Бюджетдан маблаг билан таъминланадиган барча муассасалар ва ташкилотлар ҳамда ходимларнинг тариф-малака разрядларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси асосида белгилаш ўз молиявий фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида амалга оширувчи барча давлат ва давлат-акционерлик корхоналари ва ташкилотлари учун мажбурийдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 11.01.2011 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 6-сон қарорининг 1-бандига 2012 йил 1 январдан бошлаб нолинчи разряд бекор қилинган ҳолда Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасининг бошланғич разряди сифатида биринчи разряд белгиланганлиги ва амалдаги тариф коэффициентлари, шунингдек тариф ставкаларини (лавозим маошларини) энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгилаш тартиби сақлаб қолинганлиги маълумот учун қабул қилинган.

Шу билан бирга, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасидан фойдаланадиган хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларга уларнинг молиявий имкониятларидан ва хўжалик фаолияти натижаларидан келиб чиққан ҳолда, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилаш ҳуқуқи берилган (мазкур қарорнинг 2-банди).

Саволингизга келсак, бош бухгалтернинг ойлик иш ҳақи миқдори ҳукуматнинг 21.07.2009 йилдаги «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 206-сон қарори билан (мазкур қарорга киритилган ўзгартиришлар билан) тасдиқланган Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасининг тегишли разряди ва тариф коэффициентларидан келиб чиқиб (5 фоизга камайтирмасдан!) белгиланади.

Жавобни экспертизимиз
Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ
тайёрлади.

ШТАТДА БЎЛМАГАН ХОДИМГА ТАШКИЛОТНИНГ ВАЛЮТА ҲИСОБВАРАҒИДАН МАБЛАҒЛАР БЕРИЛМАЙДИ

Айрим тушунмовчиликларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги масалаларга ойдинлик киритиб берсангиз.

1. Хизмат сафарига юбориладиган шахсга чет эл валютасида аванс берилиши мумкинми?

2. Ташкилотнинг штатида бўлмаган ходим учун хизмат сафари харажатлари учун валюта ҳисобварағидан маблағлар берилиши мумкинми, нақд чет эл валютасини олиш учун банкка қандай ҳужжатлар тақдим этилади?

Шокир Самадов,
ташкilot иқтисодчиси.
Фаргона вилояти.

– 1. Ҳа, хизмат сафарига юбориладиган шахсга чет эл валютасида бўнак (аванс) берилиши лозим.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари республика ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш қоидалари АВда 2000 йил 5 июнда 932-сон билан рўйхатдан ўтган Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда

хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартибида белгилаб берилган.

2. Йўқ, ташкилотнинг штатида бўлмаган ходимлар учун ташкилотнинг валюта ҳисобварағидан маблағлар беришга йўл қўйилмайди. Бироқ, фақатгина ВМ қарорлари (фармойишлари) бўйича хизмат сафарига кетаётган ташкилотларнинг ходимларига сафар харажатлари учун Ўзбекистон Республикаси валюта биржасидан чет эл валютасини сотиб олиш амалга оширилади.

Бинобарин, ташкилотнинг штатида бўлган ходимлар учун талаб қилиб олинганга қадар депозит ҳисобварағидан нақд чет эл валютасини олиш учун ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатувчи ваколатли банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– хизмат сафари харажатлари учун бўнак бериш ҳақида ариза;

– хизмат сафарига юбориладиган ходимларнинг фамилиялари, исм-шарифлари, хизмат сафарига юборилган жой ва хизмат сафарининг муддати кўрсатилган хизмат сафарига юбориш тўғрисидаги буйруқ нусхаси;

– ташкилотнинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан тасдиқланган чет эл валютасида олиниши лозим бўлган сумманинг ҳисоб-китоби;

– ташкилотнинг раҳбари томонидан тасдиқланган сафар режа-топшириги;

– таклиф қилаётган томоннинг мазкур сафарни молиялаш шартлари (улар мавжуд бўлганда) кўрсатилган хатлари, факслари ва телекслари нусхалари;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори (фармойиши) нусхаси (ҳукумат қарори бўйича жўнаб кетаётган шахслар учун).

Ташкилотларда чет эл валютасидаги маблағлар бўлмаган ҳолда ташкилотлар чет эл валютасини ваколатли банклардан уларнинг чет эл валютасидаги хусусий маблағлари бўлган тақдирда сотиб олишларига рухсат этилади.

Шу билан бирга, хизмат сафари харажатлари учун Ҳукумат делегациялари таркибида ҳамда ВМ қарорлари бўйича кетаётганлар учун чет эл валютасини сотиб олишга талабнома делегация раҳбари ишлайдиган ташкилот томонидан тақдим этилади.

Ҳукумат делегациялари, шунингдек ВМнинг қарорлари бўйича кетаётганлар учун республика валюта биржасида хизмат сафари харажатларига бериладиган конвертацияланган маблағлар делегациянинг барча аъзолари учун делегация раҳбари ёки унинг расмий вакилига берилади.

ТУГАТИЛАЁТГАН КОРХОНАНИНГ МОЛ-МУЛКИ ИНВЕНТАРЛАШДАН ЎТКАЗИЛАДИМИ?

Банкротлик таомили асосида тугатилаётган корхонада унинг мол-мулкни инвентарлашдан ўтказиш қандай амалга оширилади, бунда инвентарлаш пайтида мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини албатта санаш ва тегишли далолатнома расмийлаштириш шартми? Умуман, ушбу йўналишда амалга ошириладиган ишлар тартиби тўғрисида батафсил маслаҳат берсангиз.

Шамсиддин Қорабоев,
корхона тугатувчиси.
Тошкент вилояти.

– Сизни ўйлантираётган масала Тугатилаётган корхонанинг мол-мулк ва мажбуриятларини инвентарлашни ташкил этиш ва қийматини аниқлаш бўйича йўриқномада (АВ томонидан 03.02.2000 йил 887-сон билан рўйхатдан ўтказилган) кiritиб берилган.

Хусусан, ушбу йўриқномага кўра, мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини текшириш бошланишидан олдин тугатилаётган корхонанинг моддий жавобгар шахслари тугатиш бошқарувчисига охириги инвентарлаш пайтидаги моддий қимматликлар ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги бирламчи ва йиғма ҳисоб ҳужжатларини (регистрларни), шу жумладан дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотномани) тақдим этади.

Тугатиш бошқарувчиси ҳужжатларни қабул қилиб, реестрлар (ҳисоботлар)га илова қилинган барча кирим ва чиқим ҳужжатларига «инвентарлашгача ...да (сана)» деб кўрсатган ҳолда виза қўяди, бу эса ҳисоб маълумотлари бўйича инвентарлашни бошлаш пайтида мол-мулк қолдиқларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши керак.

Мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлиги тугатилаётган корхонанинг моддий жавобгар шахслари ва ҳисоб ходимининг мажбурий иштирокида текширилади.

Шунингдек, моддий жавобгар шахслардан инвентарлаш бошланишига қадар мол-мулкка доир барча кирим-чиқим ҳужжатлари бухгалтерияга топширилгани (ёки тугатиш бошқарувчисига берилгани) ва сақлашга келиб тушган барча қимматликлар кирим қилингани, чиқиб кетганлари эса харажатга ҳисобдан чиқарил-

гани тўғрисида тилхат олинади. Товар-моддий қимматликларни сотиб олишга ҳисобот бериладиган суммалари ёки уларни олиш учун ишончномалари бўлган шахслар ҳам шундай тилхат берадилар.

Мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлиги ва ҳисобга олинган мажбуриятларнинг ҳақиқийлиги тўғрисидаги маълумотлар инвентарлаш комиссиясининг тугатиш бошқарувчисига топширилади ва инвентарлаш рўйхатларига ёки инвентарлаш далолатномаларига камида икки нусхада киритилади.

Инвентарлаш комиссияси асосий воситалар, хом ашё захиралари, товарлар, пул маблағлари, бошқа мол-мулк ва мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларнинг рўйхатларга тўлиқ ва тўғри киритилишини, шунингдек инвентарлаш материалларининг тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминлайди.

Инвентарлаш пайтида мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлиги албатта санаш, тарозида тортиш, ўлчаш йўли билан аниқланиб, бу ҳақда далолатнома тузилади.

Тугатиш бошқарувчиси ва моддий жавобгар шахслар инвентарлаш комиссиясига мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини белгиланган муддатларда тўлиқ ва аниқ текширишни таъминлайдиган ша-роитлар яратиб беришлари керак.

Тарозида тортиладиган кўп миқдордаги товарларни инвентарлашда тарозида тортиш қайдномалари комиссия аъзолари ва моддий жавобгар шахс томонидан алоҳида юритилади. Тарозида тортиш тугагач, ана шу қайдномалар маълумотлари солиштирилади ва чиқарилган яқун инвентарлаш рўйхатига қайд этилади. Ўлчаш далолатномалари, тех-

ник ҳисоб-китоблар ва тарозида тортиш қайдномалари рўйхатларга илова қилинади ва тугатиш бошқарувчиси (моддий жавобгар шахс) томонидан тасдиқланади.

Инвентарлаш рўйхатлари ҳисоблаш ва бошқа техника воситаларидан фойдаланилган ҳолда ёки қўлда тўлдирилиши мумкин.

Рўйхатлар аниқ-равшан қилиб сиёҳда ёки шарикли ручкада, ўчириш ва тузатиб ёзишларсиз тўлдирилади.

Инвентарланадиган қимматликлар ва объектларнинг номи, уларнинг миқдори рўйхатларда номенклатура бўйича ва ҳисобга қабул қилинган ўлчов бирликларидан кўрсатилади.

Рўйхатларнинг ҳар бир саҳифасида сўз билан моддий қимматликларнинг тартиб рақамлари сони ва ушбу саҳифада ёзилган барча қимматликлар миқдорининг умумий яқуни, бу қимматликлар қандай ўлчов бирликлари (дона, килограмм, метр ва шу кабилар)да кўрсатилганидан қатъи назар, кўрсатилади.

Хатоларни тузатиш рўйхатларнинг барча нусхаларида нотўғри ёзувлар устига чизиш ва чизилганлари устига тўғри ёзувларни қўйиш йўли билан амалга оширилади. Тузатишлар инвентарлаш комиссиясининг барча аъзолари ва моддий жавобгар шахслар томонидан таъкидланиши ва имзоланиши ҳамда тугатилаётган корхонанинг муҳри билан тасдиқланиши керак. Мол-мулкда давлат мулки улushi бўлган тугатилаётган корхонанинг муҳри бўлмаган ҳолда, ҳужжатлар ваколатли органнинг муҳри билан тасдиқланади.

Рўйхатларда тўлдирилмаган сатрларни қолдиришга йўл қўйилмайди. Тўлдирилмаган сатрларга чизиб қўйилади. Рўйхатларнинг охириги саҳифасида нархлар текширилганлиги, яқунлар баҳоланганлиги ва ҳисоблаб чиқарилганлиги тўғрисида ёзув, ушбу текширишни амалга оширган шахсларнинг имзолари билан қайд этилиши лозим.

Рўйхатларни инвентарлаш комиссиясининг барча аъзолари (жалб қилинган мутахассислар), моддий жавобгар шахслар имзолайдилар. Рўйхатнинг охирида

моддий жавобгар шахс рўйхатда келтирилган мол-мулкни масъул сақлашга қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги далолатномани имзолайди.

Тугатилаётган корхонада масъул сақлашда бўлган, консигнацияга олинган, ижарага олинган ёки қайта ишлаш учун олинган мол-мулкка алоҳида рўйхатлар тузилади. Кўрсатилган мол-мулк эгасига қайтарилиши лозим.

Яроқсиз ҳолга келган ва ҳисобдан чиқарилиб, кейинчалик утилизация қилинадиган мол-мулкка алоҳида рўйхатлар тузилади.

Агар мол-мулкни инвентарлаш бир неча кун мобайнида ўтказилса, моддий қимматликлар сақланаётган хоналар иш куни тугагандан кейин инвентарлаш комиссияси ва моддий жавобгар шахс томонидан муҳрланиши керак. Ишдаги танаффус вақтида (тушлик вақтида, тунги вақтда, бошқа сабабларга кўра) рўйхатлар инвентарлаш ўтказилаётган ёпиқ хонадаги ёпиқ яшиқда (жавон, сейфда) сақланиши ва қўриқлашга (объектни қўриқлашга қабул қилиш дафтарида қайд этган ҳолда) топширилиши керак.

Тугатиш комиссияси аъзолари инвентарлашдан сўнг рўйхатларда хатоларни аниқлаган тақдирда, улар дарҳол (омбор, омборхона, шуъба ва ҳоказолар очилгунига қадар) бунини тугатиш бошқарувчисига маълум қилишлари шарт.

Тугатиш бошқарувчиси кўрсатилган фактларни текширишни амалга оширади ва улар тасдиқланган тақдирда, аниқланган хатоларни белгиланган тартибда тузатади.

Шу билан бирга, инвентарлаш тугаганидан сўнг инвентарлаш тўғри ўтказилганини назорат тариқасида текширишлар ўтказилиши мумкин. Уларни тугатиш комиссияси аъзолари, жалб қилинган аудиторлар, мутахассислар ва моддий жавобгар шахслар иштирокида албатта инвентарлаш ўтказилган омбор, омборхона, шуъба ва ҳоказолар очилишига қадар ўтказиш лозим.

Инвентарлашлар тўғри ўтказилганини назорат тариқасида текшириш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ва тугатиш бошқарувчисига топширилади.

Эрта тонгда двигатели газ ёқилгисиди ишлайдиган ЛАЗ автобуси одатдаги рейсга чиқди. Автобусдаги қиз-жувонлар ишга кетишмоқда эди. Транспортда ҳар доимги муҳит ҳукмрон: қизлар шўшодон сўзлашар, баъзилари кўзгучага қараб, ўзларини тартибга солар, кимдир эса жимгина қизиқарли роман муталаасига берилган эди...

Ҳаммаси одатдагидек... Бироқ, афсуски, 7 навқирон қиз учун ҳаёт лаҳзалари тугамоқда эди...

Кучли портлаш тўсатдан юз берди, автобуснинг салони тутунга тўлди. Қичқирқлар, инграшлар, тўс-тўполон. Тутун оз-моз тарқалгач, салоннинг олдинги ярмида турган кишилар автобуснинг орқа қисмида том узилиб тушганлиги, 6 қиз ҳаётдан кўз юмганлиги ва бир нечта ярадор қонга беланиб ётганлигини даҳшат билан кўрдилар. Ҳалок бўлган ва ярадорларда кўпдан-кўп жароҳатлар кўзга ташланар, кийимлари йиртилган, шахсий буюмлари эса салонда сочилиб ётарди.

Чақирилган «тез ёрдам» машиналари сиреналарни ғувиллатиб фожиа юз берган жойга етиб келишиб, ярадорларни касалхонага олиб кетди. Бахт ёрлақаб, ярадорларнинг аксарияти яшаб қолди, фақат бир қиз касалхонада вафот этди.

Ҳалок бўлганларнинг уйлари қайғуга ботди! Яшаб қолганлар ҳам жисмоний ва руҳий жароҳатлар олишди.

Портлаш далили бўйича дарҳол жиноят иши кўзғатилиб, тергов иши бошлаб юборилди. Автобус ва воқеа юз берган жой дастлабки кўздан кечирилганда автобус томида бир нечта газли баллон ўрнатилганлиги, бироқ уларнинг бири ўрнида жуда катта ёриқ борлиги аниқланди. Воқеа юз берган жойда, автобусдан турли масофада бўлақларга бўлинган баллон парчалари топилди. Бундай фожиага газ портлаши сабаб бўлганлиги равшанлашди.

Тергов газ нима сабабдан портлаганлигини аниқлаши керак эди. Зеро, маълум бўлишича, газли баллонлар автобус томида кўпдан бери фойдаланиб келинган. Шу боис терговчи томонидан ком-

плекс экспертиза тайинланди, уни амалга ошириш Марказимиз экспертлари ва «Ўзстандарт» мутахассисларига топширилди. Терговни бирор-бир механик таъсир (баллон деворида дарз ҳосил бўлишига олиб келадиган) ёки юқори ҳарорат (воқеа ёзда, ғоят жазирама пайтда юз берган) портлашнинг сабабчиси

ни текшириш учун автобус томига чиқдик. Баллонлар махсус ложементларга ўрнатилган, металл илмоқларга маҳкамланган эди. Портлаган баллон маҳкамланган жойда ҳам худди шундай илмоқлар бўлган, бироқ бўлиниб ётарди.

«Ўзстандарт» мутахассислари сақланиб қолган баллонларни, улардаги профи-

баллон деворлари газ босимини кўтара олмаган. Қолган баллонларда тегишли профилактик синовларни амалга ошириш муддатлари ўтказиб юборилганлиги эса портлаган баллон ўз вақтида синовдан ўтказилмаганлиги тўғрисида тахмин қилиш имконини берди. Бироқ ушбу далилни биз қатъиян қилиб белгилай

МУДҲИШ РЕЙС

Бундан аввалги мақолаларимдан бирида газ портлаши тўғрисида ҳикоя қилган эдим. Ушанда дўкон ертўласида ярим тунда содир бўлган газ портлашида қурбонлар кўп бўлмаган эди. Бироқ менинг амалиётимда кўплаб кишиларни ҳаётдан олиб кетган газ портлаши ҳоллари ҳам учраган.

бўлган-бўлмаганлиги қизиқтирар эди.

Биз бўлиниб кетган баллон қолдиқлари, шунингдек автобуснинг шикастланган томи ва бутун қолган баллонларни текшириб чиқишимиз керак эди. Биз автобус ва бутун қолган баллонларни жарима майдончасида кўздан кечирдик. (Айтмоқчи, у ҳозир ҳам бир нечта ёшларни ҳаётдан олиб кетган фожианинг мудҳиш ёдгорлиги сифатида шу ерда турибди).

Биз ағдар-тўнтар бўлиб ётган салонга кирганимизда ҳамма ёқда қон бўлиб, юракларни сиқадиган буюмлар: дарз кетган кўзгуча, тароқ, лаб бўёғи, дастрўмол сочилиб ётарди. Бу ерда мобил телефонлар парчалари, кийимларнинг бўлақлари, титилиб кетган китоб ҳам бор эди.

Кейин биз бутун қолган баллонлар-

ластик кўздан кечирилар ва синовлар ўтказилган саналарни кўрсатувчи ёзувларни ўрганиб чиқишди. Бунда синов муддатлари стандартларга мувофиқ эмаслиги аниқланди.

Портлаган баллон парчаларини лабораторияда текшириш учун Марказимизга олиб келишди. Унинг қолдиқларини текшириш шуни кўрсатдики, уларда механик таъсир кўрсатиш излари, дарзлар, пачоқ бўлган жойлар йўқ эди. Деворларнинг қалинлиги ҳамма жойда бир хил эди. Бироқ айни деворларнинг қалинлиги газли баллонлар учун белгиланган қалинликка мувофиқ келмасди. Шу сабабли «Ўзстандарт» мутахассислари мазкур ҳолда газ тўлдириш учун мўлжалланмаган баллонлардан фойдаланилган деган хулосага келишди. Ва айнан шу омил портлашнинг сабабчиси бўлган:

олмадик, чунки портлаган баллоннинг баъзи қисмлари сақланмаган эди – айни ўтказилган синовлар тўғрисида штамп қўйилмаган қисм йўқ эди.

Шу тариқа, оддийгина техника хавфсизлигига риоя қилмаслик портлашга сабаб бўлган: тегишли баллондан фойдаланилмаган, фойдаланилаётган баллонлар белгиланган муддатларда профилактик синовлардан ўтказилмаган. Техника хавфсизлигини мана тарзда қўпол бузиш 7 инсонни ҳаётдан олиб кетган даҳшатли фожиага олиб келган.

Ольга МАРШАНСКАЯ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Республика суд экспертизаси
марказининг давлат суд эксперти.

Эълонлар

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*.
Тел.: 926-32-23, 451-85-00.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Ҳўжалик судида дебиторлик қарзини ундириш бўйича бепул ёрдам. Шартномаларни визалаш. МЧЖ, ХКларни тезкор рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш*.
Тел.: 449-03-03, 322-37-99.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 448-74-69.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*.
Тел. 370-63-06.

ХИЗМАТЛАР

Инвентаризация. Бухгалтерия ҳисоби. Кузатув. Таъсисчилар. Кўчмас мулк. Очиш. Тугатиш.
Тел. 806-28-46; факс 278-11-66.
E-mail: 49koshelev@mail.ru

ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ: юридик, техник, тиббиётга оид матнларни таржима қилиш. Тасдиқлатиш. Легаллаштириш.
Тел.: 252-38-71, 454-80-01.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

Реклама

«HOMBUR-AUDIT» МЧЖ

ЎЗР МВнинг 25.10.2009 йилдаги 00614-сон лицензияси

давлат улуши 50% бўлган барча хўжалик юритувчи субъектларда Миллий ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ

Барча малакали хизматларни кўрсатамиз
Аудиторлик компанияси 5 та САР халқаро сертификати, шу жумладан солиқ маслаҳатчиларига эга
Манзил: Қарши ш., Ўзбекистон кўч., 49
Тел.: (8 375) 221 0586, (+99875) 112 0571

Филмалар:
Нукуо ш., А.Темур кўч., 120
Тел.: (8361) 222 7803, (+99861) 354 7571
Қўмқўрғон ш., А.Навоий кўч., 28
Тел.: (+99876) 399 5330, 243 3560

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУКУК
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБЕКОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
тел. 283-44-57
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.

Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

"Norma маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 306 Адади 3 275. Баҳоси келишилган нарҳда
Газета 2012 йил 25 июнда соат 16.00 да топширилди.

ISSN 2010-5223